

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси**

Р Е Ф Е Р А Т

Мавзу:

“«МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ”

**Бажарди: Мадрахимов Ўринбой
Текширди: доц.в.б. Х.Азимов**

Тошкент -2011

МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. «МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

РЕЖА:

- 1. Маданиятшунослик фанининг предмети. Маданиятшунослик билимлари типологияси.**
- 2. «Маданият» тушунчаси талқинида тарихийлик ва илмийлик.**
- 3. Маданиятни инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти.**

1. Маданиятшунослик фанининг предмети. Маданиятшунослик билимлари типологияси.

Маданият – бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуини ифодалашдан ташқари, ўзида жамиятнинг тараққиёт даражасини ҳам акс эттиради, яъни жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси мада-ниятда гавдаланади. Маданиятни ўрганишда объектив қонуниятлар, ҳодисалардаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги анъанавий тасаввурлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Маданиятга системали ёндашув, унинг бир-бирига таъсир этувчи турли соҳаларининг ўзига хос хусусият-ларини яхлит тасаввур қилиш имкониятини беради.

Маданиятшунослик жамият маданий тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фан бўлиб, инсоният яратган барча маданий билимлар ва қадриятлар унинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Маданиятшунослик фанининг асосий вазифаси инсоннинг оила, табиат ва жамият билан ҳамкорликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий ва маърифий фаолиятларига оид барча жараёнларни тадқиқ қилишдан иборатдир. Унинг тадқиқот манбаи бўлиб:

- инсоният томонидан яратилган санъат турлари;
- кишиларнинг ўзаро муомала воситаси бўлган тил;
- жамият бойлиги ва мезони бўлмиш билим;
- ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;
- жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнлар хизмат қилади.

Маданиятшунослик умумназарий фан ҳисобланиб, унинг ўзига хос хусусияти – инсоннинг маданий ҳаёти жараёнини тартибли тизимга солишдан иборатдир. Бундан ташқари, маданиятшунослик фани гуманитар

билимларни ўзида мужассамлаштирганлиги туфайли билишнинг мураккаб объекти ҳам ҳисобланади.

Тадқиқотлар жараёнида маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аниқ тузилма ва вазифаларга эга бўлган ҳолда ижтимоий муносабатлар тамойили, коммуникация, маданий намуналарни ташкил қилган маданият тизимини шакллантирадилар.

Маданиятшунослик фанининг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

1. Маданият фалсафаси – ўзида маданий дунёқарашнинг умумий тамойилларини намоён қилиб, мураккаб ва кўп мақсадли жараёнларни таҳлил қилишда, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий англаш, асослаш билан боғлиқ материалистик, позитивистик, идеалистик ва бошқа кўплаб қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида инсоннинг табиат ва ижтимоий гуруҳ (социум)лар оламида жисмоний, маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуллари ва ўзига хос таҳлилий услублари ишлаб чиқилган.

2. Маданиятнинг тузилиш шакли (морфологияси) – инсон га боғлиқ бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маданиятнинг ривожланиши жамиятнинг ички қонуниятлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қоидага асосланган маданият морфологияси таққослаш, таҳлил қилиш ва бошқа услублар асосида маданият ривожланиши-нинг манбаи ва омилларини очишга ҳаракат қилади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо бўлишидан то инқироз-гачадир.

3. Маданият социологияси – жамият маданий тараққиётининг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади. У турли социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданий жараёнини эмпирик (тажриба) асосда тадқиқ қилишда намоён бўлади.

4. Маданият тарихи – маданият тараққиёти жараёнларини ноёб ва асл ҳодиса сифатида ўрганади. Шунингдек, турли маданий соҳа ва жараёнларни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва таъсири, замон ва макондаги ўзига хос ва умумий хусусиятларини тадқиқ этади.

5. Маданият экологияси – ҳозирги даврда инсон фаолиятининг барча соҳаларини, жамиятнинг ҳамда инсоннинг индивидуал ҳаёти-ни, табиат билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Бу маданият-шунослик тадқиқотидаги энг янги ва фаол ривожланаётган соҳалар-дан биридир. Инсон маданиятшунослик фанининг асосий объекти ҳисобланади, зеро маданият – бу инсон тафаккурининг маҳсулидир. Маданиятшунослик фани инсоннинг табиат ва жамият билан фаол муносабатларини акс эттириб, бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлишини, шахснинг жамиятдаги маданий фаолиятини, маданиятлар типологиясини ўрганади. У инсонларнинг табиат ва жамият-га муносабатини илмий изоҳлаб, унинг умумтарихий мазмуни ва маъносини, ижтимоий, тарихий билимлар тизимидаги ўрни ва мавқеини белгилайди.

Маданият – жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, кадриятларини тўплаш ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган жиҳатларни ифодалайди. Ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида маданиятни жамиятда тутган ўрни, жамиятнинг мазмуни ва таҳлил қилинаётган ижтимоий борлиқнинг хусусиятларга боғлиқдир. Ижтимоий жараён, кишиларнинг хатти-ҳаракати, яъни социал фаолияти маданий идеалларни, кадриятларни, нормаларни қатор топтирилиши ёки барҳам берилишида восита вазифасини, шунингдек кишиларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатларининг шахслараро ва гуруҳлараро алоқалари шакли вазифасини ҳам бажаради.

3. Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки ички ва ташқи жиҳатидан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий муҳитда яшайди ва фаолият кўрсатади. Қому-сий олим Абу Наср Форобий «Бахт саодатга эришув ҳақида» рисоласида инсон камолотида жамоанинг роли катта эканлигини таъкидлаб шундай дейди: «Бир кишининг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчилик-нинг ёрдамисиз) камолатга эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг табиатида туғма ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, ҳар қандай инсон камолотга эришувида бошқаларнинг кўмагига муҳтож ва улар билан бирлашишга мажбурдир». Форобийнинг фикрича, инсон ўз-ўзидан камолотга эришолмайди. «Бу нарсанинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб ҳунар эгаллашига, билимига ва қандай фозил жамиятда яшашига боғлиқ». «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Форобий давлатни етук шахс (монархия), етук ҳислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари кайд этади. Форобий жамият етукликка интилиши учун кураш олиб боргандагина фозил жамият, фозил шахар даражасига кўтарилиши мумкинлигини айтади.^{1[2]}

Индивид ижтимоий турмуш ва маданиятга қай тарзда жалб қилинганилигига, унинг табиий имкониятлари, ҳаракати, ҳиссиёти, тафаккури ижтимоий аҳамиятли мазмун билан тўлдирилганлигига ва маданий шакл касб этганлигига қараб шахс сифатида қарор топади. Маданият индивидуал ва ижтимоий ҳаёт билан узлуксиз бирликни ташкил топган вақтгача мавжуд бўлади.

Маданият кишиларга тана аъзолари, инстинктлар ёки туғма истейдод каби табиатдан берилмайди. Ҳар бир индивид ўзининг шахсий тажрибаси

^{1[2]} Маънавият юлдузлари. -Т.: 1999, 68 бет.

асосида, мустақил равишда бевосита теваарак атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва ўтган авлодларнинг тўплаган тажрибаларини ўзлаштиради.

Индивид ижтимоий амалиёт маҳсули бўлган маданиятни ўзлаш-тириш билан бирга унга таъсир этади. Шахс ўзининг шаклланиши жараёнида маданий дунёсини ҳам бойитади. Шунингдек, инсон маданият нормаларига амал қилган ҳолда нафақат табиат ва жамиятни, балки, шахсий «табиати»ни ҳам ўзгартиради. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига, «иккинчи табиати»га айланади.

Шахснинг маданият билан ўзаро муносабати ҳеч қачон тўлиқ ва уйғун бўла олмайди. Ижтимоий ва индивидуал ҳаёт, шунингдек маданият стихияси бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доимо инсон билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, лекин воқеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида мустақилдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, индивид билан маданият ўртаси-даги муносабат мураккаб жараён ҳисобланади. Индивиднинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон берувчи психосоциал ва маданий дунёқараши ижобий ва салбий қарашларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Инсонга ишчанлик, фидоийлик, матонат, ўткир зеҳн билан бирга калтафаҳмлик, ялқовлик, шафқатсизлик, жамият манфаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқатни ёлғондан ажрата олмаслик иллатлари ҳам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафақат кадр-лаш ва асраш, балки танқидий ўрганиш талаб этилади.

Ижтимоий ва маданий муҳитда жамият билан индивид ўртасида нисбатан ўзгарувчан мувозанат бўлади. Бу мувозанатни ҳосил бўлишида маданиятнинг иштироки салмоқлидир. Маданият шахсга таъсир этади, унинг психологик ҳолатини шакллантиради, шахснинг характерида ва дунёни билишида муҳим ўрин тутати.

Шахс маданият билан қуйидаги соҳаларда муносабатда бўлади:

1. Маданиятни таъсир этиш объекти сифатида ўзлаштиради;
2. Маданий кадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади;
3. Маданий ижод субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, унинг шахсий ҳаётида тутган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларимизга якун ясаб, шуни айтиш мумкинки, табиат стихияли қонунлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёсини шакллантириш мақсадли, йўналти-рилган асосда ташкил этилиши мумкин. Бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи муҳим восита бўлади.

Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида, ақл бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир, таълим-тарбия-нинг натижаси эканлигини уқтиради. Форобийнинг фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват, руҳий куч билан боғ-лиқдир. Унинг ақл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантик (логика) илми муҳим ўрин тутати. У «Мантик санъати кишига шундай қонунлар ҳақидаги маълумот берадики, бу қонунлар воситасида ақл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади, - деб ёзган

эди. Форобий мантиқ илми билан грамматика ўртасидаги муштаракликни қайт этар экан, мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир, деган фикрни билдиради. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан бориши учун ақлни тўғрилаб туради.

Форобий логиқаси мусулмон Шарқда мантиққа оид фикрларнинг ривожига катта туртки берди. Унинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари инсон тафаккури ривожини учун хизмат қилади. Ақллилик билимлик ва мантиқий фикрлаш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принциплар ва ахлоқий маданиятни ўзлаштиришни ҳам ҳам тақозо этади. Ҳар бир даврда жамият ахлоқ, маданият мезонлари билан баҳоланар экан, маданиятли инсон ахлоқсиз, эътиқотсиз, имонсиз ва ақлсиз инсонлардан фарқланиб турган. «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, -деган эди Форобий,- улар фазилатли, ўтқир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этувчи истеъдод эгаси бўлиб, улар ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим»¹.

Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда маданиятли жамиятнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар камраб олинган.

Табиат қонунлари каби, инсоннинг табиати, яъни маданияти ҳам табиий муҳит, ижтимоий борлиқ ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Бу ўзгариш фақат илгарилаб бориш ёки янги кадриятларнинг вужудга келишидангина иборат бўлмасдан, балки бирор-бир соҳадаги бузилишлар, инқирозий аломатларнинг кучайиши туфайли ҳам содир бўлиши мумкин. Ҳозирги замон илмий техника тараққиётининг табиий муҳитга, маънавий ҳаётга ва бошқа соҳаларга салбий таъсири фикримизнинг далилидир. «Инсон,-деган эди Н.Бердяев,- энг олий даражадаги тарихий мавжудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассам».

Маданиятшунослик фани маданий тарихий даврларни таҳлил қилишда билишининг уч босқичини табиий бирликда олиб қарашга ҳаракат қилади.

1) Конкрет даврнинг яхлит қиёфасини, яъни унинг бадиий образини яратишга интилади;

2) Инсоният борлигининг умумий динамикасида даврнинг маънавий ўрнини аниқлайди (ижтимоий онг тарихида, фанда, санъат ва фалсафада ўрганилувчи даврга берилган баҳонинг эволюциясини ҳам ўз ичига олади);

3) Конкрет даврнинг «мазмуни»ни таҳлил қилади, унинг муаммоларини бизга қандай таъсир этишини, ҳозирги вазиятнинг социал ва индивидуал камчиликларини кўрсатади.

¹ Маънавият юлдузлари. - Т.: 1999, 67 бет.

Маданият типлари тарихий даврларга қараб ўзгариб туради. Даврларнинг алмашилиши билан маданиятда сифат ўзгаришлари ҳам юз беради. Конкрет тарихий даврда яшаган кишиларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, билими, маънавий кадриятлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишимиз учун биз шу даврнинг маданиятига мурожаат қилишимиз лозим. Шунинг учун маданиятшунослик фани турли халқларнинг маданий ривожланиши тарихини жаҳон маданий тараққиётининг таркибий қисми сифатида ўрганиш билан бирга, конкрет тарихий даврнинг ижтимоий тараққиётида тутган маънавий ривожланиши босқичлари, умумий қонуниятлари, ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади.

Маданиятшунослик ижтимоий турмуш воқеликларини ягона мазмун асосида англашга ёрдам беради. Кўплаб бетакрор ва мустақил маданиятлардан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг бирлиги ва хилма-хиллигини кўрсатади. Кишиларнинг фуқаролик ва маънавий етукликка эришишларида, фикрлар ва кадриятлар плюрализминини кўра билишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар қандай даврнинг хусусияти ва даражаси маданият ривожини билан ўлчанади.

Маданиятшунослик фани инсонда зиёилик ҳиссини тарбиялаш каби муҳим тарбиявий вазифани ҳам бажаради. «Киши қанчалик зиёли бўлса, - деган эди Д.С.Лихачев,- у шунча кўп тушунади ва ўзлаш-тиради, унинг дунёқараши ва қабул қилиш доираси шунчалик кенгайди. Кишининг маданий савияси қанчалик тор бўлса, у ҳамма янгиликларга ва «жуда эски»ликка нисбатан шунчалик бефарқ бўлади, ўзининг эски одатлари билан яшайди. Дунёқараши тор бўлиб, ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди. Ўтмишнинг маданий кадриятларини ва ўзга миллатлар маданиятларини билиш, уни сақлаш, кўпайтириш, эстетик қимматларини қабул қила билишининг ривожланиб бориши маданий-тараққиётининг энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисоб-ланади. Инсоният маданияти ривожланиши тарихи бу нафақат янги, балки эски маданий қимматларни излаб топиш тарихидир. Шунингдек, ўзга маданиятларни билиш маълум маънода гуманизм тарихи билан қўшилиб кетади. Бу бошқа халқларга нисбатан ҳурмат, тўғри маънодаги бардошлилик, тинчлик тилаш демакдир¹.

Маданиятни илмий тушуниш оддий онгдан қуйидагиларга кўра фарқ қилади.

1-дан, у жуда кенг бўлиб кишилар фаолиятининг барча услубларини, ижтимоий ҳаётнинг барча шакллари ўз ичига олади.

2-дан, кундалик ҳаётда ҳиссий беабаб кўрсатилган ва қиммат жиҳатларга уруғ берилган тасаввурлардан фарқ қилиб, фанда тавсифий таъриф бериш билан чеклангандир.

Маданиятшунослик фанининг яна муҳим вазифаларидан бири, бу кишида ижодий қобилиятни ривожлантиришдир. Маданият фақат-гина моддий ва маънавий қимматлар йиғиндисидан иборат бўлмас-дан, балки ижодий фаолиятдир. Маданиятшунослик фани янги маълумотлар бериш

¹ Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. -М., Наука, 1979. -С.159.

билан бирга ёшларда маданий воқеликлар билан муносабатда бўлиш малакасини ҳосил қилади. Хилма-хил маълумотлар бериш билан бирга тингловчиларда илмий тафаккур қилишнинг узлуксизлиги, мантиқийликни шакллантиради.

Тарихий даврлар маданиятини ўрганиш уларга баҳо бериш, уларни бир-бирларидан фарқлашдан ташқари, балки янгиликни ўрганиш, бошқа маданиятлар қимматларидан баҳраманд бўлишга хизмат қилади. Бу вазифаларни бажаришда маданиятшунослик курси тарихий антропология-маданиятга яхлит феномен, дунё ва ҳаётни идрок этиш усули сифатида муносабатда бўлади.

Тарихий антропологиянинг энг муҳим тушунчаларидан бири бу менталитетдир. «Менталитет» - бу маданиятга тааллуқли бўлган кишиларда у ёки бошқа муҳитнинг муайян «ақлий воситалар йиғин-диси», «психологик мослама»ларнинг мавжудлигини билдиради. Улар инсонга ўзгаришнинг табиий ва социал борлигини мустақил қабул қилиши ва идрок этишига шарт-шароитлар яратади. Бетартиб узук-юлуқ тушунчалар ва таъсирлар тафаккур орқали қайта ишланади, нисбатан тартибли дунё манзарасига айланади. Бу манзара инсон ҳатти-ҳаракатида ўчмас из қолдиради. Бир социал ва маданий умумийликнинг тегишли бўлган, тарихий жараёнининг субъектив томони ҳисобланувчи идрок ва ҳис қилиш услублари тарихнинг объектив жараёнига кўшилади.

Маданиятшунослик фани «маданият» тушунчасини қўлланиши-га караб қуйидагича ўрганади:

- а) Индивидуал-шахс маданияти;
- б) гуруҳий маданият- миллий, синфий, табақавий, касбий, оилавий маданият;
- в) макон ва замонда чекланган муайян типдаги жамият маданияти;
- г) инсоният маданияти.

Ижтимоий тараққиёт тафовутларни бартараф этмайди, аксинча унинг хилма-хиллигини янада кенгайтиради. Шунинг учун уларни тобора чуқурроқ ўрганиш маданият тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтириб боришига хизмат қилади.

Маданият тушунчаси қўлланилиши жихатидан хилма-хил бўлган-ни каби, кундалик ҳаётда (оддий онг) ва фанда ҳам турли мазмун касб этади. Биз «муомала маданияти», «меҳнат маданияти», «ҳатти-ҳара-кат маданияти» каби иборалардан фойдаланамиз. Кундалик ҳаётда маданиятдан воқеликни баҳолаш тушунчаси сифатида ва шахснинг маълумотлиги, хушмуомалалиги, тартиблилиги, вазминлиги каби хусусиятлари билан боғлаб тушунтириш одатга айланган. Маданиятли киши тушунчасига кўшиб ишлатилувчи сифатлар жуда кенг бўлиб, уни қўллаш жамиятнинг умумий маданий даражаси ва шахснинг социал статусига боғлиқдир. Ҳозирги даврда «ишлаб чиқариш маданияти», «хизмат кўрсатиш маданияти», «дам олиш маданияти» ва бошқалар тўғрисида кўп гапирилади. Бу иборалар орқали маданият деганда ижтимоий институтларнинг самарали фаолият кўрсатишлари тушунилади. Баъзан маданият тўғрисидаги тасаввурлар шаҳарлар турмуш

тарзи, кинотеатрлар, театрлар ва кутубхоналарга тез-тез бориб туриш, «маданий» кишилар билан дўстлашиш ва гўзалликни ҳис қилиш билан боғлиқ деб тушунилади. Матбуотда «иқтисодий ва маданий», «фан ва маданият», «сиёсат ва маданият» иборалари ишлатилади. Бунда маданият маънавий устқурма ёки ахлоқ ва санъат соҳалари билан чекланиб қолади.

Илмий нуқтаи назардан иқтисод, сиёсат ва фанни маданиятдан ажратиб қўйиш, шунингдек, кадриятлар ва санъатнинг буюк намуналаригина маданиятга тааллуқли соҳалар бўлиб, оддий, кундалик нарсалар унга ётдир деб ҳисоблаш нотўғридир. Кундалик ҳаётда маданиятга фақат кадриятлар йиғиндиси сифатида қаралиши ҳам тўғри эмас, чунки маданиятда инсоният учун зарарли бўлган эскилик қолдиқ-лари, тўлиқ текшириб кўрилмаган «янгиликлар» каби салбий нарсалар ҳам ўзлаштирилиши мумкин.

Маданият кенг маънода инсонни ўраб турган табиатдан, ижтимоий муносабатлардан ва бевосита ўзида стихияли равишда вужудга келган тайёр маълумотлардан фойдаланишга онгли равишда ёндошишни тақозо этади. Маданият кадриятлар, анъаналар, рамзлар, тил, бевосита тақлид қилиш ва амалий ўрганиш орқали авлоддан-авлодга сингдирилади.

Кадриятлар (аксиология)да маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қимматларнинг йиғиндисидан иборат деб талқин этилади. Баҳолаш кадрият нуқтаи назаридан воқеликни таҳлил қилиш фаолиятининг табиий ва зарур бўлган шартидир. Маданият нимада намоён бўлишидан қатъий назар муайян кадрият ўлчовига эга бўлади.

Информацион таъриф. Маданият «барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси», уни ташкил этиш ва сақлаш услублари сифатида таърифланади. У информацияни доимий равишда энг фойдали ва қулай услубларни ишлаб чиққан ҳолда қабул қилади ва сақ-лайди, янги информацияларни бир тизимидан бошқасига ўтказди.

Мисол учун «Барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси» деганда биз хотирани тушунишимиз мумкин. Чунки хотира механик мазмунга эга эмас, балки ижодий жараён ҳисобланади. Хотиранинг энг муҳим маънавий аҳамияти шундаки, у вақт тўсиғини енгиб, билим ва тафаккур доирасини кенгайтиради. Умумий хусусиятларига кўра, маданиятни хотира билан қиёслаш мумкин. Бунда алоҳида олинган шахснинг хотираси эмас, балки жамият хотираси назарда тутилади. Ю.М.Лотманнинг фикрича, бир катор қоидалар, чеклашлар сифатида намоён бўлувчи ташкилий вазият маданиятни белгиловчи хусусият ҳисобланади. К.Леви-Строснинг фикрига кўра, «қаерда қоида бўлса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли бўлади ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари билан белгиланувчи сифатлар маданият соҳасига тегишли бўлиб ўзида нисбийлик ва хусусийликни мужассамлаштиради»¹.

Шундай қилиб, маданиятшунослик курсини гуманитар фанлар қаторида олий ўқув юртларида ўрганилиши ҳозирги давр талабларидан келиб

¹ Лотман Ю.М, Статъи по типологии культуры. Тарту. 1970. 7.с.

чиққан бўлиб, жамиятдаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ва маданий ҳаётини ҳам қайта қуриш талаб этилади.

Маданиятшунослик талабаларга жаҳон маданияти ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон маданий ҳаётининг ривожланиш тарихи, хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги муаммолари ва истиқбол-лари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни бериш билан уларни миллий маданиятга ва ўзга миллатлар маданиятларига, қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданий ва маънавий ёдгорликларга ижодий муносабатда бўлишларида кўмаклашади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.Т., «Ўзбекистон». 1994 .
- 2.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон». 1998.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида” Фармони. 2007 йил 19 январь. Ишонч газетаси, 2007 йил 23 январь.
- 4.Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Тошкент ҳақиқати. 2006 йил 3 ноябрь.
- 5.Каримов И. А. “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий тизимни такомиллаштириш устувор вазифамиздир”. Туркистон 2006 йил. 8декабрь.
- 6.Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Қишлоқ ҳақиқати 2007 йил.26 августь.
- 7.Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ҳалқ сўзи. 2007 йил. 31августь.
- 8.Каримов И. А. Озод ва Обод юрт дурдонаси. Туркистон. 2007 йил. 8сентябрь. 9.
- Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч Т., 2008.
10. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “XXI аср газетаси 2008 йил 6 декабрь”.
- 11.Президент Ислом Каримовнинг Навоий вилояти сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2008 йил 13 декабрь.
- 12.Э.В.Соколов. Понятие, сущность и основные функции культуры.Л., 1989г.
- 13.Н.Ю.Самойленко. Методические рекомендации по изучению курса. История и теория культуры. Т., 1990г.
- 14.Гулметов Э., Маврулов А. ва бошқалар. Маданиятшунослик.-Т.,2000.
- 15.Маънавият юлдузлари. –Т., «Абдулла Қодирий», 2001.
- 16.Бобоев Ҳ., Ҳамроев Т ва.б. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. -Т.: Янги аср авлоди. 2001.
- 17.Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. Фарғона. 1998й.
- 18.Ахмедова Э., Габидуллин Р.Культурология. Мировая культура.-Т.: 2001.
- 19.Мавлонов Ў. Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари.Т., Академия. 2004.

20.Сагдуллаев А. Аминов Б., ва бошқалар Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. -Т.: Академия 2000.

21.Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб. Т., “Шарқ” 2000.

22.Худойкулов Х. Баратов Р. Маданиятшунослик. Ўқув услубий қўлланма. Т. ЎзМУ. 2007 .